



Ягона Интерактивагентлиги  
Давлат Хизматлари Портали



Фармацевтика тармоғини  
ривожлантириш

№ 1202-235d-f797-910c-2c50-0516-9771

Ҳужжат яратилинган сана: 2019-12-16

Ҳужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ

ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "FULL PHARM"

Қабул қилувчининг идентификация рақами: 306862649

## ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ

### 16-12-2019 йил №15294/14082-19 Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия беришни амалга оширувчи орган (кейинчалик матнда "Лицензияловчи орган" деб юритилади) номидан Директор, Низом асосида иш олиб борувчи С.Кариев бир томондан ва Нигматова С.А. (кейинчалик матнда "Лицензиат" деб юритилади) номидан низом асосида иш олиб борувчи "FULL PHARM" масъулияти чекланган жамияти иккинчи томондан, лицензия битимини қўйидаги мазмун ва шартларда туздилар.

## II. БИТИМНИНГ МОҲИАТИ

1.1 Лицензияловчи органнинг 16-12-201922 - сон қарори билан лицензиатга фармацевтика фаолиятининг қўйидаги йўналиши (унинг қисми) билан шуғулланиш учун лицензия берилди: тайёр дори воситаларини улгуржи реализация қилиш

1.2 Омборхона мудирини Ф.И.О. (улгуржи реализация омбори учун) –Нигматова (Ибрагимова) Севара Абдурахмановна Дорихона мудирини Ф.И.О. (дори воситалари тайёрлаш учун) –1.3. Лицензиянинг амал қилиш муддати : 16-12-2019 йилдан 16-12-2024 йилгача

1.4. Фаолиятни амалга ошириш манзили (манзиллари): Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Г.Алиева кўчаси, 313- уй.

## II. "ЛИЦЕНЗИАТ"НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг нархини давлат томонидан тартибга солишнинг белгиланган тартибига, дори воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи реализация қилиш доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мажбурий риоя қилиш, шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимига уланиш ва маълумотларни улар муомалага киритилган вақтдан бошлаб киритиш ҳамда лицензияловчи органга "Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом"нинг 4-иловасига мувофиқ ҳар ойнинг бешинчи санасидан кечиктирмасдан ўтган ой учун маълумотларни тақдим этиш; экология ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларга қатъий риоя қилиш; фаолиятни лицензияда кўрсатилган доирада, шунингдек лицензия битимида мувофиқ манзилда (манзилларда) амалга ошириш; дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш билан шуғулланган тақдирда штатида фармацевтик маълумотга эга бўлган, шунингдек лавозим мажбуриятларига мувофиқ малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилот омборхонаси мудирининг мавжудлиги; дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланган тақдирда штатида тегишли ихтисосликка эга бўлган, лавозим мажбуриятларига мувофиқ малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган, дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ва сифат назоратига масъул бўлган камида икки нафар мутахассиснинг мавжудлиги;